# ЭНГ БУЮК БОЙЛИК — МАЪРИФАТ, ЭНГ АЧЧИҚ ОҒУ — ЖАҲОЛАТ

(Боши 1-бетда)

**Ирландия, Шимолий Кавказ ва бошқа ҳудудларда этник ва диний қарама-қаршилик минтақавий можароларнинг авж олишига манба бўлиб хизмат қилаётган ҳозирги замонда... турли диний эътиқод, конфессияларга мансуб кишиларнинг тинч-тотув яшашидан иборат бўлган бизнинг тажрибамизни миллатлараро, диний ва этник асосдаги турли-туман ички ва минтақавий можароларни бартараф этишда муваффақият билан қўллаш мумкин».**

Шу маънода «исломда зўрлик йўқдир, у одамлар онгига зўрлаб сингдирилмайди», деган уламолар фикри билан бирга айрим олимларнинг «Ўрта Осиё халқларига ислом дини зўрлаб қабул қилдирилган» деган фикрлари орасида ҳам катта тафовут бордек туюлади. Ғарб олими Густав ле Боннинг қуйидаги мулоҳазалари бу борадаги қарашларимизга ойдинлик киритаётгандек: «Қуръон зўрлаб эмас, эътиқод йўли билан, ишонтириш йўли билан ақл ва қалбларни фатҳ этиш орқали ёйилгандир. Агар ишонтириш бўлмаса эди, кейинчалик арабларни енгиб чиққан мўғуллар ҳам, турклар ҳам мусулмонликни қабул қилмасликлари лозим эди. Араблар Туркистонга бир мартагина келдилар, аммо бугун Туркистонда юз миллиондан ортиқ мусулмон бор ва буларнинг миқдори кун сайин ортиб бормоқда».

Бу фикрдан ҳам аён бўлиб турибдики, бугун дунёдаги ҳеч қайси давлатда у хоҳ исломий, хоҳ бошқа бир тузумда бўлсин, мажбурлаб ҳеч кимни динга киритиб бўлмайди. Аминмизки, ақидапараст-жоҳиллар ҳам ҳеч қачон сиёсий найранглар асосига қурилган ғояларини халқимиз онгига буткул сингдира олмаслар.

Тарихдан нафақат бир диннинг, балки бир диндаги икки мазҳабнинг бир-бири устидан устунлигини қарор топтиришга ҳаракат қилиш қанчалар кўп қирғин ва муросасизликларни келтириб чиқарганлиги барчамизга аёндир. Бу қирғинларнинг моҳиятида ҳам кўп ҳолларда исломий қадриятларни қарор топтиришдан кўра, шахсий манфаатлар яширин бўлган. Ислом манфаатсиз даъват қилади. Унинг даъватларида ҳеч қандай амал, нафс йўқ. Оллоҳ таоло фақат бандаларини бу дунёда ҳалол, покликда, ибодатда, ҳамжиҳатликда яшашга ундайди. Бугун қайдаки дин инсон манфаатларидан йироқ ёлғон сиёсатга асос қилиб олинар экан, ўша жойда у беобрў бўлмоқда. Ақидапарастлар ана шу ёлғон сиёсат домига илинган кимсалар сифатида ҳаракат қилмоқдалар, Ёшларни йўлдан оздиришга интилмоқдалар.

XXI аср бўсағасида диндан ўз сиёсатларини юргизишда фойдаланмоқчи бўлган бир неча тоифа одамлар бирлашди. Буни қарангки, уларнинг ичида миллатфурушлар ҳам, аламзадалар ҳам, ҳокимият илинжидаги кимсалар ҳам бор. Энг ёмони, уларга хизмат қилаётганларнинг кўпчилиги адашганлар, тўғрироғи диний қадриятлар билан ўралган ғоялар мағзидаги уларнинг жирканч манфаатларини англаб ета ололмайдиган кишилардир. Уларга адолатни ваъда қилиб жаҳолат сиртмоғи ила боғлаб оладилар.

Узбекистонда эса биз адолатли, қонун устивор бўлган жамият қуриш йўлидан бормоқдамиз. Жамиятда у ёки бу кўринишдаги адолатсизликларга қарши кураш кетяпти. Ўз-ўзидан аёнки, жоҳиллар сиртмоғига илинган кимсалар адолат билан жаҳолатни фарқлай олмайдилар. Фикрсиз, дунёқарашсиз, тафаккури кишанланган, дунёдаги воқеликдан бехабар инсон қандай қилиб яхши-ёмонни ажрата олсин! Оддий бир мисол, бугун Афғонистонда кимкимга қарши урушмоқда? Қай тараф кофиру, қай тараф мусулмон? Ким, кимга қарши «муқаддас уруш» — жиҳод қилмоқда? Ота-бола, оға-ини, ёру биродар бир-бирининг жаҳолат туфайли қонини ичмоқда-ку! Умуман ҳалоллик, инсонийлик, иймон моҳияти нимада, уни қандай тушунадилар? Бу тушунчалар инсоний фазилатларга қанчалар мос келади? Оддий афғон деҳқони эҳтимол кунда беш вақт намозни канда қилмас, эҳтимол бировнинг ҳақига хиёнат қилмай яшаётгандир. Лекин миллионлаб дилларни оғулаётган қорадори етиштириб шунинг эвазига тирикчилик қилса, унда унинг ҳалоллиги, мусулмонлиги қаерда қолади? Ўтган йили Афғонистондаги экин майдонларидан 2,1 минг тонна гиёҳванд ўсимликлар хом ашёси йиғиштириб олинган экан. БМТ экспертларининг хулосаларига кўра, 1998 йилда дунё миқёсида ишлаб чиқилган қора дорининг ярмидан кўпроғи Афғонистонда етиштирилган экан. Ҳукумат тепасига толибонлар келиши натижасида гиёҳванд моддалар етиштириладиган майдонлар сезиларли даражада кенгайибди. «Независимая газета» маълумотларига қараганда, 1998 йилда Афғонистонда гиёҳванд моддалар экиладиган майдонлар 42 минг гектарни ташкил қилган бўлса, 1999 йилда бу майдонлар 63 минг гектарни ташкил қилар экан. «Новый день» газетаси берган маълумотларга қараганда, бу йил мазкур давлатда 4600 тонна ана шундай маҳсулот йиғиштириб олинган. Бугунги кунда қонунга хилоф равишда дунёнинг турли мамлакатларида етиштирилаётган ана шундай маҳсулотларнинг 75 фоизи Афғонистон ҳиссасига тўғри келмоқда. Хўш, бу кимнинг сиёсати меваси, ислом дини мусулмонларни бундай ишларга бошламайдику?!

**Минҳожиддин МИРЗО**

Tajriba-sinov

# ИЗЛАНУВЧАН ЖАМОА

Гулистон туманидаги 10-мактабгача ва бошланғич таълим мажмуаси жажжи ўғил-қизларнинг севимли маскани ҳисобланади. Муассасада 6 та мактабгача гуруҳ ва 2 та математика фанига ихтисослашган синф бўлиб, уларда 150 нафар бола таълим-тарбия олаётир. Уларга янги педагогик технология бўйича таълим-тарбия берилмоқда. Ўтган ўқув йилида мажмуада «Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш» таянч дастурини амалга ошириш бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилди. Бу йил ҳам мана шу дастур асосида таълим-тарбияга оид тадбирлар амалга оширияпти.

Мажмуанинг моддий базаси мустаҳкам. Машғулотларда ўйин фаолияти етакчи роль ўйнайди. Машғулотлар кичкинтойларнинг қизиқишларига кўра, гуруҳларга бўлинган ҳолда, Мария Монтессори услуби бўйича ташкил этилган. Болажонларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятларини ўстирувчи бошқотирма ва таълимий ўйинчоқлар билан таъминланган.

Жорий йилда тайёрлов гуруҳининг 24 нафар ўғил-қизлари 1- ва 14-мактабларга кузатилди. Тайёрлаш жараёнида болаларнинг ота-оналарига ҳам шанба ва якшанба кунлари лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ўргатилди.

Масканнинг Назокат Каримова, Раъно Бердиева, Фотима Дайрабаева, Замира Қўчқорова, Барно Алимова, Мукаррам Абдумўминова, Зулайҳо Нусратуллаева сингари ижодкор тарбиячилари дастур бўйича машғулот ишланмаларини ишлаб чиқишда фаол қатнашмоқдалар.

Математикага йўналтирилган синфларга боғча гуруҳларидаги қобилиятли болалар танлов асосида қабул қилинган. Кичкинтойларга хорижий тил — инглиз тили ўргатилаётир. Умидли ёшлар лицейи ўқитувчилари — америкалик Эленора Эмирвалиева ва Моника Морфи кичкинтойларга инглиз тилидан, шунингдек, олий тоифали ўқитувчилар Д.Йўлдошева ва Н.Бобоевалар бошланғич таълимдан сабоқ бермоқдалар. Мазкур ўқув йилида 4-синфда таҳсил олаётган 25 нафар иқтидорли ўғил-қиз келаси йилда умидли ёшлар лицейида ўқишни давом эттиради.

Мажмуага 32 йиллик тажрибага эга бўлган Кенжагул Эркабоева раҳбарлик қилади.

—Жорий йилда болалар боғчасига қамралмаган 10 нафар кичкинтой мактабга ҳозирланяпти,— дейди мажмуа раҳбари К.Эркабоева,— Улар билан нутқ ўстириш, илк математик тасаввурни ривожлантириш, ашула, жисмоний тарбия, тасвирий фаолият, теварак-атроф билан таништириш, қуриш-ясашга оид машғулотларни тарбиячи З.Нусратуллаева олиб борапти.

Жамоанинг фидокорона меҳнатлари ўз самарасини кўрсатмоқда. Жумладан, болалар муассасаси «Соғломжон-полвонжон» спорт мусобақасида туманда I, вилоят миқёсида эса II, «Севимли ўйинчоқлар» туман кўрик-танловида I, вилоят ва республика миқёсида II, шунингдек, «Давлатимиз рамзи билимдонлари» туман кўрик-танловида I ўринни олишга сазовор бўлди. Тарбиячи Барно Алимова «Йил тарбиячиси» Республика кўрик-танловида II ўринни олишга муваффақ бўлди.

Болаларни келажаги буюк давлатимизнинг муносиб ворислари қилиб тарбиялашда мана шундай ижодкор мураббий ва ўқитувчиларнинг ҳиссалари беқиёс бўлиши, шубҳасиз.

**Дилбар ХЎЖАЕВА**

# ТАРИХШУНОСЛИК: ВАЗИФА ВА МУАММОЛАР

(Боши 1-бетда)

Ўйлайманки, бугун ҳукуматимиз томонидан тарихчиларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар, албатта, халқимизнинг ҳаққоний тарихини яратишга имкониятлар беради ва бу вазифаларни бажаришга тарихчиларда куч, имконият ва салоҳият етарли.

**— Мамлакатимизнинг бугунги ёш тарихчилари хусусида ҳам фикрларингизни билмоқчи эдик...**

— Мустақилликка эришганимиздан сўнг нафақат тарих фанида, балки ижтимоий фанларда, таълим соҳасида ислоҳотлар бошланди. Умумтаълим мактабларида, олий таълим соҳасида жаҳон стандартларига мос улкан ўзгаришлар амалга оширилаяпти. Бундан мақсад олий ўқув юртларини, ўқув даргоҳларини тугатаётган талабалар етук мутахассис бўлиб етишсин, деган талабдир. Ҳақиқатан ҳам ёшларимизда тарих фанига қизиқиш, тарихчи бўлишга интилиш жуда катта. Бу бир томондан қувонарли ҳол, иккинчи томондан олий ўқув даргоҳларини тугатиб, тарих фани соҳасига кириб келаётган ёшлар ҳақида фақат мақтов гаплар айтиш бироз мушкулроқ. Чунки олий таълим соҳасида ислоҳотлар энди бошланди. Бу ислоҳотлар ҳали ниҳоясига етмаган. Эҳтимол шу туфайлидир, ёш тарихчиларимизда мен бир нарсани сезмаяпман — илмий дадилликни. Мана, бизда қанча илмий-тарихий журналлар бор. Матбуотда, телевидениеда, радиода тарихий мавзуларда чиқиб, ўз фикрини билдиришлари учун ёш тарихчиларимизда ҳам етарлича имкониятлар мавжуд. Лекин республика миқёсида ўткир фикрли мақолалар ёзадиган ёшлар, афсуски, орамизда жуда кам. Тўғри, бизда иқтидорли ёшлар бор, лекин таълим системасида бир қадар сақланиб қолган иллатлар ана шу иқтидорли ёшлар фаолиятига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётир. Яна бир нарса: бугун англаб етдикки, тарих факультетларида қадимги ёзувлар (турк, суғд, хоразм, бақтрия), форс, араб, эски ўзбек ёзувлари ўргатилмаганлиги, манбашунослик мутахассислиги тайёрлашга эътибор берилмаганлиги бизнинг катта хатомиз экан. Ҳозирги ёш тарихчиларимиз қадимги ва ўрта асрлар даври тарихи билан шуғулланишга бироз қийналиб қолишяпти, кўпроқ улар янги давр тарихи билан шуғулланишга мажбур бўлишаяпти.

Бугунги давр талаби, тарихчиларимиз олдига қўйилаётган вазифалардан келиб чиқадиган бўлсак, қадимги давр тарихи бўйича илмий тадқиқот олиб бориш учун биринчи галда археолог-қадимшунос мутахассислар тайёрлашга, ўрта асрлар тарихи бўйича мутахассислар тайёрлаш учун эса, ёзма манбалар билан ишлаш имкониятини яратиш: манбашунослик ва матншунослик фанларига эътибор бериш керак. Чунки бугунги талаб шундайки, нафақат янги даврга оид тарихимизни, шунингдек, халқимизнинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ҳам тубдан қайта кўриб чиқишимиз керак. Собиқ иттифоқ даврида бу давр тарихи камситилиб, бир томонлама ўрганиб чиқилган. Шу туфайли ҳам бугун ўқув даргоҳларида биз матншунос ва археолог-тарихчи мутахассислар тайёрлашга жиддий эътибор беришимиз керак.

**—Ўйлайманки, ёш тарихчиларимиз бу ўринли танқидларингиздан, албатта, ўзларига тегишли хулосалар чиқариб олишади. Энди бевосита ўзингиз хизмат қилаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи Марказида илмий изланишлар олиб бораётган ёш олимлар фаолиятига тўхталсангиз...**

—Аввало шуни айтмоқчи эдимки, ёшларни танқид қилиш фикридан мен узоқман. Чунки манбаларни билмасдан олий маълумотли тарихчи бўлиб етишаётганлигига улар айбдор эмас. Хабарингиз бор, мустақилликка эришганимизнинг дастлабки кезлариданоқ холис тарихга бўлган эътибор, эҳтиёж очиқ-ойдин пайдо бўлган эди. Менимча, бу масалаларни ўша кезлардан бошлаб ўйлашимиз лозим эди.

Бизнинг тарих марказимизда фаолият кўрсатаётган ёшлар масаласига келсак, улар орасида манбалар билан ишлай оладиганлари бор. Шулардан бири Музаффар Аҳмедов, Шарқшунослик институтининг шарқ тарихи бўлимини тугатган, форс тилини яхши билади, манбалар билан ишлай олади. Ҳозир «Тарихи Ҳумоюний» асари таржимаси билан шуғулланиб, номзодлик диссертацияси устида тадқиқот олиб бораяпти. Яна бир ёш тарихчиларимиздан ТошДУнинг тарих факультетини тугатган Даврон Муитов Ўзбекистоннинг янги даври тарихи билан шуғулланаяпти. Тарих марказида, умуман, Академияда ёшларга эътибор катта. Уларга илмий тадқиқот учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган. Компьютерлар, академиянинг бой илмий кутубхонаси улар ихтиёрида. Академия раҳбариятининг махсус рухсатномаси билан улар Давлат архивларида, Миллий кутубхонамизнинг нодир нашрлар бўлимида бемалол ишлашлари мумкин. Умид қиламизки, бу ёшлар келажакда, XXI асрда тарих фанини жамиятимизнинг етакчи фани даражасига олиб чиқадилар.

**Суҳбатдош:**

**Марҳабо СОБИРОВА**



*Она кўнгли болада, бола кўнгли далада, деймиз. Кўнгли ўйинқароқликка мойил болаларимизни фойдали машғулотларга йўналтириш эса тарбиячиларнинг-да бурчи. Суратларда: «Севимли ўйинчоқлар» республика кўрик-танлови фаол қатнашчилари, Сирдарё вилояти ХТБ бошлиғи муовини З.Худоёрова ҳамда Гулистон туманидаги 10-мактабгача ва бошланғич таълим мажмуаси услубчиси М.Раҳмоноваларнинг болакайлар ижод қилган ўйин ва ўйинчоқларни кўздан кечираётган пайти акс этган.*

**Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.**



# ЎЗИНИ ЕНГГАН САОДАТЛИ ОЛИМ

**Авлод-аждодларимиз қолдирган улуғ ҳикматлар мағзини чақиб, уларда одамзод учун сув ва ҳаводай зарур бир даъватни англадим. Ўқиган, илм чашмасидан хабардор бўлган, дунёни англаган инсон энг аввало ўзини енгмоқ, нафсини тиймоқ ва қалбини покламоқ саодатига эришмоғи керак экан. Бу шаклланиш профессор А.Абдуллаевда ўз-ўзидан бўлгани йўқ...**

**Андижон шаҳрининг Чуқур масжид даҳаси машҳур Толзор маҳалласидан анҳор ёқалаб борсангиз, Умарбой гузари билан Шарифбой гузари ўрталиғида, ғарбдан Сарой кўча, жанубдан Толзор билан ўралган. Бу даҳа дарғаларида замонамизнинг комил инсонлари Соли қори домла (А.Абдуллаевнинг оппоқ дадалари), Саййид Жаҳонгирхон тўра, Яқвалҳожи, Абдумажид қози, Муҳиддин қори каби улуғлар ўтган. Домланинг оталари Абдуллажон қори Маллабой ҳожи ўғли меҳнат фаолиятини эски диний мактабларда муаллимлик қилишдан бошлаб, шўролар ҳокимияти йилларидан то умрининг охиригача Андижон Давлат педагогика институтида гулчи, боғбон бўлиб ишлаган. Ўз замонасининг ўқимишли зиёли кишиси бўлган.**

**Шарифбой гузарида жойлашган 6-ўрта мактабни имтиёзли тугатган Абдумажид ака 1939 йили Андижон педагогика билим юртини тугатиб, Олтинкўл тумани Далварзин қишлоғидаги 49-ўрта мактабда ўқитувчилик қилган.**

**1942-1946 йиллар Жаҳон уруши жангларида қатнашади ва кўрсатган мардлик ва жасорати учун 1-даражали Улуғ Ватан уруши ордени ва ўндан ортиқ медаллар соҳиби бўлади.**

**1950 йилда Асака тумани дала меҳнаткашлари билан бўлган учрашувда домланинг айтган гаплари ҳамон эсимда: «Жанггоҳ сарҳадларида ҳам Ватан, она тупроғимиз туйғуси билан яшадик. Ўзбекистон шаънини, шу азиз юртда қолган ота-оналаримизни, опа-сингилларимизни ёд этиб жангга кирдик. Ғолиб бўлиб келганимиздан кейин ҳам меҳнатни, изланишни тарк этмадик. Узоқ йиллар ўқитувчилик фаолиятимда ҳам ёшларни ана шу руҳда тарбия қилдим».**

**А.Абдуллаев урушдан сўнг 1946-1949 йиллари меҳнат фаолиятини Олтинкўл туманида режа ҳайъатининг раиси ва туман ижроия қўмитасининг масъул котиби вазифаларида давом эттирди. 1949 йили икки йиллик республика партия мактабига ўқишга юборилади. 1951 йили Абдумажид акани Андижон вилояти Комсомол қўмитасининг котиби вазифасига сайлашади ва бу лавозимда 1954 йилгача ишлайди. Шу йили янги ташкил этилган Андижон Давлат педагогика институтига ўқитувчилик лавозимига таклиф этишади ва 45 йилдирки, шу қадрдон олийгоҳда фаол ишлаб келмоқда. Профессор А.Абдуллаев оддий ўқитувчиликдан катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, ўқув ишлари проректори, ректор, ҳозирда иқтисодиёт кафедрасининг профессори, маслаҳатчиси, мураббийидир. Домла билан бир девор қўшнимиз. Менинг шаклланишимда, мутахассис олим бўлишимда унинг ҳам хизматлари бор.**

**Профессор А.Абдуллаевнинг талабалар ўртасида ўқиган маърузалари ва ўтказган амалий машғулотлари доим ўзининг юқори савияси билан ҳаммага намуна бўлиб келди ва мақтовга сазовор бўлди. Домла ўқув-тарбиявий, илмий-тадқиқот ишларини бирга олиб бориб, иқтисодиёт фанлари ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Эълон қилинган йигирмага яқин китоб ва дарсликлар, юз элликдан ортиқ илмий-оммабоп мақолалар ва ўнлаб ўқув қўлланмаларида иқтисод илмининг долзарб масалалари тадқиқ этилган.**

**Домланинг ҳозирги кунгача долзарблигини йўқотмаган «Колхозларда пахта таннархини пасайтириш резервлари» мавзусидаги номзодлик ва 1981 йили ёқлаган докторлик диссертацияларидаги «Колхозларда ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг нисбати» мавзусидаги илмий тадқиқотлари вилоятимизнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшгандир.**

**Университет иқтисодиёт кафедрасида профессор А.Абдуллаев раҳбарлигида бир неча йиллардан бери кафедра аъзолари «Кенгайган такрор ишлаб чиқариш муаммолари» мавзусида республика миқёсида иш олиб бормоқдалар. Улардан 2 киши фан доктори ва 10 дан ортиғи фан номзодлари илмий даражасига эга бўлди.**

**Яхши инсонларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини мукаммал ўрганиш ўзликни танитади. Ўзликни таниш Ватанимизни билиш ва севиш демакдир. Бу билан бизнинг авлодлар олдида юзимиз ёруғ, руҳимиз хотиржам, қалбимиз пок бўлади.**

**Таниқли олим, устоз педагог, мураббий, ёшларнинг яқин дўсти профессор Абдумажид Абдуллаевнинг ҳаётига биз ёзган чизгилар уммондан бир томчи холос...**

**Ибайдулло ЖАҲОНГИРОВ**

# ҲАЁТГА ЯҚИН ДАРСЛИК

Бугун ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда кенг кўламдаги янгиланишлар ва тубдан ўзгаришлар баробарида, маънавий ва маърифий жиҳатларда ҳам улкан муваффақиятларга эришилмоқда. Бу ҳолни эса биргина халқ таълими жабҳасида ҳам кўриш мумкин.

Дейлик, сўнгги йилларда мактаб ўқув дарсликлари муайян эҳтиёжлар туфайли тубдан янгиланди. Яқин кунларда яна бир янгиликнинг шоҳиди бўласиз. Яъни 7-синфлар учун С. Тешабоев ҳамда М. Нишоновлар муаллифлигида «Анорганик кимё» фани дарслиги нашрдан чиқиш арафасида. Хўш, кимё дарслигини янгилашга қандай эҳтиёж пайдо бўлган эди? Янги дарсликнинг ўқувчи илм олишидаги қулайликлари нималарда кўринади?

Yangilik

Дарслик кўп хусусиятлари билан ўзига хос ҳисобланади. Жумладан, равон тилда ёзилганлиги учун осон ўқилади. Ва дарсликда анъанавий Европа олимларининг изланишлари билан бир қаторда, Ўрта Осиё олимларининг кимё фани ривожига қўшган ҳиссалари хусусидаги материаллар ҳам берилган. Дарсликнинг асосий вазифаси айни фаннинг зарурий тушунчалари ва қонунлари асосида кимёвий жараёнларни бошқариш, замонавий усуллар билан янги моддалар олиш ва улардан нафақат саноат, қишлоқ хўжалиги миқёсида, шунингдек кундалик турмушда, оилада фойдаланишнинг умумий йўналишларини кўрсатиб берган. Бунда экологик эътиқод ҳам ўз-ўзидан келиб чиқади.

Ушбу дарслик мазмунини белгилашда яна бир нарсага эътибор бериш керакки, 7- 8- ва 9-синфларда ўрганиладиган кимёнинг мазмуни имкони борича болалар атрофини ўраб турган муҳитдаги ҳаёт, турмуш, ишлаб чиқариш ва ўқувчиларнинг турмуш тажрибаси билан боғланган. Амалдаги дарсликларда бундай шарт-шароитларнинг зарурлиги сўзда айтилса ҳам, кимё фанини ўқитиш амалиётида унга етарли эътибор берилмаган эди.

Умуман олганда янги дарслик амалдаги дарсликдан энг аввало кимёнинг турмушга яқинлаштирилганлиги билан фарқ қилади, шунингдек амалдаги дарслик ўқувчиларни олий ўқув юртига тайёрлашни назарда тутган бўлса, янги дарслик бир вақтнинг ўзида касб-ҳунарнинг турли хил соҳаларига йўналиш ҳам беради.

**Карима ТУРДИЕВА,**
**РТМ кимё фани мутахассиси**

# ЯНГИ ДАВР ОСТОНАСИДА

Янги минг йиллик бошланишига 402 кун қолди. Одам Атодан мерос келажакка қизиқиш одам боласининг олдинга интилишини таъминловчи ўлмас куч. XXI аср арафасида келажак соҳиблари — ёшлар янги даврни қандай тасаввур қилишмоқда? Умумжаҳон миқёсида қараганда келажакда одамзодни нима кутмоқда ва у янги минг йилликда нималарга кўпроқ эътибор бериши лозим? АҚШнинг Гавайи штатида 24-29 октябрь кунлари бўлиб ўтган Халқаро Ёшлар конгресси қатнашчилари шу каби саволлар юзасидан фикр алмашдилар. Конгрессда иштирок этиб қайтган Тошкент Давлат юридик институти 2-курс талабаси Мавлон Муҳитдинов билан мухбиримиз суҳбати шулар ҳақида бўлди:

**— Дастлаб бу юксак анжуман, унинг мақсади ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Бу конгресс БМТнинг ихтисослашган идораси ЮНЕП ва «Peace Child International» томонидан ташкил этилган бўлиб, «Кейинги минг йилликда умумжаҳон муаммолари ва ёшлар» мавзусига бағишланган эди. Бунда жаҳоннинг барча мамлакатларидан 14 дан 25 ёшгача бўлган 800 нафардан ортиқ ёшлар қатнашдилар.

Конгрессда кейинги минг йилликда инсоният олдида қандай муаммолар турибди, деган мавзуда қизғин баҳслар бўлиб ўтди. Бу жараёнда ҳар бир давлатлар минтақаларга бўлиниб, ишчи гуруҳларда иш олиб боришди. Ҳар бир минтақа ўз йўналишидаги муаммоларни аниқлаб олгандан сўнг, минтақалараро учрашув бўлди. Бунда ҳар бир мамлакатнинг делегати иштирок этди ва ўз йўналишларини танлади. Сайловлар натижасида электрон таблода кейинги минг йилликда умумжаҳон муаммолари муҳимлиги жиҳатидан қуйидаги тартибда бўлди: 1) таълим, 2) экология, 3) инсон ҳуқуқлари, 4) уруш ва тинчлик, 5) соғлиқ.

**— Нега айнан таълимни биринчи ўринга қўйдиларингиз?**

— Албатта, бу бежиз эмас, чунки ҳар нарса, ҳар бир муаммо таълим билан боғлиқ. Шундай қилиб, биз жаҳон ёшлари янги минг йилликнинг асосий йўналиши таълим бўлиши керак, деган хулосага келдик.Чунки ҳар бир муаммонинг асосида таълим ётади. Масалан, яхши ва тўғри таълим бўлса, экология, уруш каби муаммолар вужудга келмас эди. Шунда мен Ўзбекистон вакили сифатида минбарга чиқиб шундай дедим: Ўзбекистонда Президентимиз И.Каримов мустақиллик даврида таълимга асосий стратегик масалалардан бири деб қараб, бунга жуда катта эътибор бериб келмоқда. Бу борадаги ишларни изчил олиб бориш мақсадида республикамизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинган.

Qutlug' ostona

**— Қайтиб келганингизга анча бўлди. Нималар кўпроқ эсингизда қолган экан?**

— Конгресс бўлиб ўтаётган жойда мен Ватанимнинг байроғини ғурурланиб, баланд кўтардим.

Биз конгрессда бўлган пайтимизда Арманистонда мудҳиш воқеалар содир бўлди. Шу сабабли, Арманистон ёшларининг вакиллари конгрессда минбарга чиқиб шундай дедилар: «Биз ёшлар конгрессда тинчлик учун курашаётган бир пайтимизда, дунёда террористлар мудҳиш воқеаларни содир этмоқда. Бунинг натижасида ҳукуматимизнинг айрим вакиллари, бегуноҳ инсонлар қурбон бўлмоқда. Биз ёшлар бу воқеадан жуда ғазабландик».

Шундан сўнг биз бутун дунё ёшлари терроризм каби жирканч иллатга қарши курашишга ва дунёнинг қайси бурчагида бўлишимиздан қатъи назар, бунинг илдизини қуритишга, керак бўлса умумбашарий хавф сифатида унга қарши курашиш учун бир овоздан ваъда бердик. Шу пайтда хаёлимга Ватанимда содир бўлган мудҳиш Февраль воқеалари келди.

**— Ўзбекистон вакили сифатида сиз қандай таклифлар билан чиқдингиз?**

— Мен Ўзбекистон вакили сифатида «Ҳуқуқий таълим» лойиҳасини тақдим қилдим. Ушбу лойиҳанинг мақсади — аҳолининг ҳуқуқий билимларини, ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш. Чунки ҳуқуқий таълимсиз биз кучли жамият қура олмаймиз. Аҳолининг ҳуқуқий билим даражаси қанча юқори бўлса, улар қонунларни шунча яхши билишади. Қонунларни яхши билишса, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила оладилар. Қонунларни яхши билишса, жиноятларни ҳам содир қилишмайди, деган хулосага келиш мумкин.

Шунингдек, мен экология соҳасида — «Оролбўйи атроф табиий муҳитини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш тўғрисида режамни (дастурни) таклиф қилдим. Менинг фикримча, бу қонун Оролбўйи табиатини сақлашга қаратилган.

Конгресс охирида мен шундай таклиф бердим. «Умумбашарий муаммоларни ечиш учун, биз, аввало, регионал муаммоларни ечишимиз керак. Яъни мен шуни айтмоқчиманки, Глобализм регионализм орқали бўлиши керак. Менинг фикримча, дунёдаги яхлит хавфсизликни таъминлаш учун, аввало, минтақавий хавфсизликни таъминлаш керак».

Конгресс охирида биз дунё ёшлари конгрессга тақдим қилинган лойиҳаларнинг ҳисоботини эшитиш учун 2003 йилда Марокаш қироллигида учрашишга қарор қилдик.

Конгресс тугаб, биз Гавайидан Лос-Анжелесга келганимизда бу ерда конгресс тугаши муносабати билан оммавий-ахборот воситалари иштирокида матбуот-конференцияси бўлиб ўтди. Унда мени Осиёнинг вакили сифатида нутқ сўзлаш учун танлаб олишди. Осиё минтақаси номидан чиқиб гапирдим.

**- Яна қандай истак ва таклифларингиз бор?**

- Яқинда Президентимиз Ислом Каримов Истамбулда бўлиб ўтган ЕХҲТнинг саммитида сўзлаган нутқида халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш масаласини кўтарди. Шундан келиб чиқиб, мен «Ёшлар терроризмга қарши» лойиҳасини ишлаб чиқиш ва у асосида семинар-йиғинлар ташкил қилиш ҳақида ўйладим.

Яна бир таклифим - янги аср, янги минг йиллик бўсағасида келаётган йилимиз, 2000 йилни «Ёшлар йили» деб номласак ва янги давр остонасидаги ёшларга ўз иқтидорларини кўрсатишга янада кенгроқ имконият яратилса.

**Хусан НИШОНОВ**
**суҳбатлашди.**

